ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЙ МЕРОС АГЕНТЛИГИ
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
“ШАҲРИСАБЗ” ДАВЛАТ МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАСИ

# ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*(Халқаро анжуман материаллари)*

# АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ МУЗЕЕВ УЗБЕКИСТАНА

**(Материалы международной конференции)**

# ACTUAL PROBLEMS OF MUSEUMS OF UZBEKISTAN

**(Proceedings of the international conference)**

**Шаҳрисабз – 2024**

здаги_Ҳа... тугар - Результаты... Жуиаев Корегду Ж... Док

УЎК 006.9(575.1)(063)
КБК 79.1
Ў 28

*Халқаро илмий анжуман тўпламида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон халқининг бой тарихи ва маданиятини акс эттирувчи ноёб ва нодир маданий меросини асраб-авайлашни кучайтириш, соҳани рақамлаштириш, инновацион ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жаҳоннинг илғор тажрибаларини самарали қўллаш тўғрисидаги, 2020 йил 6 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари, моддий маданий мерос объектлари, маданий бойликлар, музей ашёлари ва коллекцияларини аниқлаш, уларнинг давлат ҳисобини юритиш ҳамда соҳада таъсирчан давлат назоратини амалга ошириш, моддий маданий мерос ва музейлар соҳасига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, уларга оид маълумотларнинг барча учун очиқ бўлишини таъминлаш, маданий меросимизнинг жаҳон маданий маконига интеграциялашувига кўмаклашиш ва уларни кенг оммалаштириш, илғор хорижий тажрибалар асосида музейларни комплекс ривожлантириш, 2022 йил 29 январдаги "2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли фармонида келтирилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида "Ўзбекистондаги музейлар фонди аҳволи ва сақланаётган асори-атиқаларнинг илмий-маърифий аҳамияти, Ўзбекистондаги археологик объектлар ва уларни музей-қўриқхоналарга айлантиришнинг долзарб муаммолари, Шаҳрисабз шаҳри 2024-йилнинг Халқаро туризм пойтахти ва Марказий Осиё тарихи; Ўтмиши умумий ва келажаги муштаракдир" мавзуларидаги илмий мақолалари қўшилган.*

*"Шаҳрисабз" давлат музей-қўриқхонасининг асосчиси археолог, музейшунослик ихтисослиги бўйича етук мутахассис, тарих фанлари доктори, "Мозийдан садо" илмий журнали таҳрир ҳайъати аъзоси ва "Маданият дунёси" Халқаро илмий журнали Эксперти Н. Хушвақовнинг илмий фаолияти ва мураккаб ҳаёт йўли ҳақида шогирдларининг илмий-оммабоп мақолалари ҳам ўрин олган.*

*Тўпламга нашр этилган мақола ва тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар масъул ҳисобланди.*

**Масъул муҳаррир**
**Тарих фанлари доктори, профессор Боходир Жураевич Эшов**

**Тақризчилар:**
**Тарих фанлари доктори, профессор Тўлкин Худайкулов**
**Тарих фанлари доктори, доцент Хусан Эшмуминов**

## ҲАЛҚАРО АНЖУМАН ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ТАРКИБИ

| | |
|---|---|
| Хушвақов Н.О., раис. | "Шаҳрисабз" давлат музей-қўриқхонаси бош директори. Т.ф.д. |
| Эшов Б. Ж.,ўринбосари. | ҚарДУ профессори. Т.ф.д.(Ўзбекистон). |
| Абдуллаев К. аъзо. | Истанбул институтининг Нозик санъат бўлими профессори (Туркия). |
| Исмоилова Ж.Х. | Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, т.ф.д. профессор. (Ўзбекистон). |
| Yoo In Young (유인영) аъзо. | SamDU Arxeologiya kafedrasi mustaqil tadqiqotchisi (Хитой) |
| Гюль Э.Ф., аъзо. | доктор искусствоведения, Институт искусствознания АН РУз. (Ўзбекистон). |
| Реутова М.А., аъзо., | старший научный сотрудник, заведующий лабораторией реставрации, институт археологии к. хим. н. (Ўзбекистон). |
| Худойкулов Т.Д., аъзо. | Шах ДПИ проректори, проф., т. ф. д. (Ўзбекистон). |
| Қобулов Э.О. аъзо. | Термиз иқтисодиёт ва сервис университети проректори т.ф.д., проф. (Ўзбекистон). |
| Яркулов А. аъзо. | Маданий мерос агентлиги, Маданий мерос ва археология объектлари бўлими бошлиғи, PhD. (Ўзбекистон). |
| Раимкулов А.А. | Археология институти бош илмий ходими, т. ф.д. (Ўзбекистон). |
| Холмуминов Х. Э. | ТерДУ Жаҳон тарихи кафедраси доценти, т.ф. д. (Ўзбекистон). |

*"Шаҳрисабз" Давлат музей-қўриқхонасининг Илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.*

© Тўплам, 2024 йил
© "Насаф" НМИУ, 2024 йил

ISBN 978-9910-9279-1-1

бздаги_Ха... тугар - Результаты... Жуиаев Корегду Ж... Докуме

| | | |
|---|---|---|
| *Palvaniyazova Venera Madreimovna* | YOSHLARNI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHDA BOBUR ILMIY, MA'NAVIY VA HARBIY MEROSNING O'RNI | 296 |
| *Kosimova Feruza Shovkatovna,* | O'TMISH VA KELAJAK BIRLASHGAN MASKAN | 298 |
| *Абдурахмонов Жамшид Пардаевич Бахтиёрова Камола Иштиёр Қизи* | ДОРУССАОДАТ МЕМОРИАЛ МАЖМУАСИ | 299 |
| *Baybosinova Seniya Sarsenbaevna* | FOTOGRAF, ETNOGRAF, A. MELKOV IJODI (QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI TARIXI VA MADANIYATI DAVLAT MUZEYI KOLLEKTSIYASI MISOLIDA) | 301 |
| *Сабурова Бахтигул Исмаиловна* | КУЛОЛЧИЛИК САНЪАТИ ТАРИХИ | 303 |
| *Erjanova Saltanat Janabaevna* | KEMALAR MAJMUASI- MO'YNOQNING SAYYOHLIK MARKAZI | 305 |
| *Матмурадова Гульчира Худайбергеновна* | ҚОРАҚАЛПОҚ ЭРКАКЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ КИЙИМЛАРИ | 306 |
| *Мирзоқулова Нодира Низом Қизи* | ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ АКС ЭТГАН РАССОМЛАР ИЖОДИ | 309 |
| *Ashirov Ulug'bek* | MULLA MIRZA MUHAMMAD SHARIFJON (SADR ZIYO) | 312 |
| *Султанова Гулчеҳра Ойдиновна,* | "ИЧАН ҚАЛЪА" ДАВЛАТ МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАСИ АМАЛИЙ САНЪАТ КОЛЛЕКЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ | 313 |
| *Зубайдулло Каримов* | УРГУТ ТУМАНИДА МУЗЕЙ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА МАДАНИЙ МЕРОС МАСАЛАЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ | 315 |
| *Муродова Рисолат Даврон Қизи* | ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ШИШАСОЗЛИК САНЪАТИ | 320 |
| *Нажимова Гавҳар Ибрагимовна* | МУЗЕЙ – ЎТМИШ КЎЗГУСИ | 322 |
| *Qodirova Mamlakat Muminovna* | MUSTAQILLIK DAVRIDA O'ZBEKISTONDA MUZEYLAR VA MUZEY ISHI | 325 |
| *Samadova Nargiza Muxiddinovna* | MUZEYSHUNOSLIK ISTIQBOLLARI VA MUZEYLAR FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH MUAMMOLARI | 327 |
| *Маҳфуза Дўстназарова* | МУЗЕЙ МАРКЕТИНГИ ВА МЕНЕЖМЕНТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ | 330 |
| *Алишер Рўзиқулов Бозорович* | ШАҲРИСАБЗ МИСГАРЛИК САНЪАТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ | 334 |
| *С.С.Абдуллаева* | ЎЗБЕКИСТОННИНГ XI-XII АСРЛАРГА ОИД ГАНЧ БЕЗАКЛАРИ | 335 |
| *Қамбаров Ғайрат Бегмурадович* | БИР ЭКСПОНАТ ТАРИХИ (ТЕГИРМОН ТОШ) | 338 |
| *Муқаддамхон Қосимовна* | ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МУЗЕЙЛАР ФОНДИ АҲВОЛИ ВА САҚЛАНАЁТГАН АСОРИ-АТИҚАЛАРНИНГ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ АҲАМИЯТИ | 340 |
| *Аминов Б. Қўзиев Р.* | ОҚСАРОЙ ТАЪМИРЛАНИШИДА ЎЗБЕКИСТОН-ФРАНЦИЯ ҲАМКОРЛИГИ | 343 |
| *Дурдона Расулова* | БОБУР МИРЗОНИНГ ДУШАНБЕДАГИ БИТИКТОШИ – МУҲИМ ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИК | 345 |
| *Умида Марасулова* | О МУЗЕЙНОЙ ПЕДАГОГИКЕ | 347 |
| *G.Sariyeva* | TASVIRIY SAN'ATNING YARATILISH TARIXI VA UNING KISHILIK JAMIYATIDAGI O'RNI | 350 |
| *Бекназаров С. Тошев Д.* | АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР | 353 |
| *Qo'Chqarov Sobir Abdiraubovich,* | XIX–XX ASRLARDA O'ZBEKLARNING ERKAKLAR MILLIY BOSH KIYIMLARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEY-QO'RIQXONASI ETNOGRAFIYA KOLLEKSIYASI MISOLIDA) | 356 |
| *Daliyeva Navbahor* | AMIR BURUNDUQ MAQBARASIDAN TOPILGAN YAKTAKCHA HAQIDA BILARMIDINGIZ? | 360 |
| *Қорабоев Усмон Хосилович* | МАДАНИЙ МЕРОСНИ АСРАШДА МУЗЕЙ ФЕНОМЕНИ | 363 |
| *Иномжон Раҳимов* | ИСЛОМДА ИЛМ МАСАЛАСИ | 366 |
| *Ismatillayeva F.A.* | QARSHI SHAHRI TARIXIY-MADANIY MEROS OBYEKTLARI SAYYOHLIK RESURSLARI XUSUSIDA | 371 |
| *R.Usmanova* | MUZEYLAR MUQADDAS TARBIYA MASKANI | 373 |
| *Matrasulov Lochinbek Shixnazarovich* | XIVA XONLIGIDA YER EGALIGI SHAKLLARI.(XIX-XX asrlar) | 377 |
| *Boltayev Izzatbek Xurmatbek o'g'li* | XIVA XONLIGINING XIX-XX ASRLARDA ICHKI VA TASHQI SAVDO SOTIQ ISHLARI HAQIDA MUZEYLARDA YORITISHNING ISTIQBOLLARI | 379 |
| *Холида Очилова* | ЎЗБЕК МАҲАЛЛАСИ ТАРИХИ: БАЪЗИ ЧИЗГИЛАР | 381 |
| *Сулаймонова Мухиба Болтаевна* | САРОЙЛАРНИ ЗАБТ ЭТГАН САНЬАТ | 384 |
| *Жуиаев Корегду Жураевич* | МОСЛАШТИРИЛГАН МУЗЕЙ БИНОЛАРИДА НАМОИШ ЭТИЛАЁТГАН (САҚЛАНАЁТГАН) МАДАНИЙ, ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ АСИЛЛИГИНИ САҚЛАШДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР | 387 |
| *Маматова Маҳфуза* | ИСТОРИЯ ЧАЙНЫХ СОСУДОВ В МУЗЕЯХ УЗБЕКИСТАНА | 389 |




даги_Ҳа... тугар - Результаты... Жуиаев Корегду Ж...

**ИЛМИЙ НАШР**

**ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**
*(Халқаро анжуман материаллари)*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ МУЗЕЕВ УЗБЕКИСТАНА**
**(Материалы международной конференции)**

**ACTUAL PROBLEMS OF MUSEUMS OF UZBEKISTAN**
**(Proceedings of the international conference)**


Муҳаррир: *Б.Темиров.*
Техник муҳаррир: *К.Темирова.*
Саҳифаловчи: *К. Эшмуродова.*

Нашриёт лицензияси № 5858-775ф-17д6-89д3-а021-1994-5946. 22.07.2020. Теришга 02.02.2024-йилда берилди. Босишга 12.02.2024-йилда рухсат этилди. Бичими $60x84_{1/8}$. Шартли босма табоғи-66,02. Офсет усулида чоп этилди. Times New Roman гарнитураси. Офсет қоғози. Нашр босма табоғи-66,2. 2024-шартнома. 16-буюртма. 120 нусхада. 640 бет. Эркин нархда.

«Насаф нашриёт – матбаа ижодий уйи» МЧЖ, 180118.
Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 22-уй.

«Насаф нашриёт – матбаа ижодий уйи», МЧЖда чоп этилди.
180118. Қарши шаҳри, "Ўзбекистон овози" кўчаси, 33-уй.





бздаги_Ҳа... тугар - Результаты... Жуиаев Корегду Ж... Докумен

**Сулаймонова Мухиба Болтаевна**
**Бухоро давлат университети**
**Санъатшунослик факультети**
**Тасвирий ва амалий санъат кафедраси ўкитувчиси**

## САРОЙЛАРНИ ЗАБТ ЭТГАН САНЪАТ

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбек каштачилик санъатининг ўзига хос қадимги анъаналари ва қиёфасига эга бўлган Шаҳрисабз катта буюмлари алоҳида ўрин тутгани ҳамда Шаҳрисабзнинг бебаҳо каштачилик намуналари Россиянинг Шарқ Давлат музейи коллекциясидан ҳам муносиб ўрин олгани ҳақида маълумот берилган.

**Калит сўзлар:** Шаҳрисабз, кашта, сарой, зардўзлик, буюмлар, Амир Темур, Бухоро, сўзани, намоён, ипак, коллекция, музей, хунарманд, савдо-сотиқ, анъаналар.

**Искусство, покорившее дворцы**

**Аннотация:** В данной статье сообщается, что крупные изделия Шахрисабза, имеющие свои древние традиции и образ узбекского вышивального искусства, занимают особое место, а бесценные образцы шахрисабзской вышивки также получили достойное место в коллекции Государственного музея Узбекской вышивки Восток России.

**Ключевые слова:** Шахрисабз, вышивка, дворец, ювелирное дело, изделия, Амир Темур, Бухара, экспозиция, шелк, коллекция, музей, мастер, торговля, традиции.

Шаҳрисабз (яшил шаҳар) дунёнинг қадимги шаҳарларидан бири. Кешнинг қарийб 3 минг йиллик тарихи бор. Соҳибқирон Амир Темурнинг она шаҳри. Сув мўл, дарахтлари кўп ва кўркам, ҳосилдор водийда жойлашган. XIV-XV асрларда Буюк ҳукмдор ва темурийлар даврида дунёга машҳур маҳобатли меъморий обидалар: Оқ-сарой, Кўк гумбаз, олий мадраса ва мақбаралари билан етти иқлимга номи кетган шаҳар олими-уламо, фозиллар ва моҳир меъморлари, қўли гул ҳунармандлари билан донг таратган. Қадимги Кеш Амир Тумурнинг ватанидир.

XYIII-XIX асрларда Шаҳрисабз асли келиб чиқиши Қашқадарё воҳасидан бўлган ўзбекларнинг йирик уруғларидан бири бўлган манғитлар томонидан бунёд этилган Бухоро амирлиги даврида алоҳида нуфузга эга бўлган. Бу шаҳар амирликнинг савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ривожланган маркази бўлган. Шаҳрисабзлик усталардан кўплари амирлик саройида сарой усталари сифатида фаолият кўрсатганлар.Заргарлар, мисгарлар, кандакорлар, абрбофчи тўкувчилар, зардўзлар ва катта тикувчи чеварларнинг ясаган буюмлари на фақат шахсий эҳтиёж учун, колаверса сарой аёнлари ва ҳукмдор хонадони буюртмасига кўра юксак маҳорат билан тайёрланганлар, ҳукмдор саройига ҳам кириб борган.

Ўзбек каштачилик санъатининг ўзига хос қадимги анъаналари ва қиёфасига эга бўлган Шаҳрисабз кашта буюмлари алоҳида ўринга эга. Бу ерда узоқ ўтмишдан бери мураккаб чокка эга ироқи каштадўзлиги бир текис қилиб, тўлдирма қилиб тикилиши-услуби билан бошқа каштачилик мактабларидан ажралиб туради. XIX асрда чеварлар майда-маиший катта буюмларини ўзлари учун, катта-йирик кашталарни: сўзани-намоён, чопон, доури-от ёпиғи, зинпўш, жойнамоз ва бошқаларни беклар, амир ва унинг хонадони учун тикар эдилар.

Шаҳрисабз каштачи чеварлари амир саройига тўн, сўзани, намоён, жойнамоз, доури-от ёпиғи ва дастурхонлар тикиб берганлар.



Шахрисабздаги_Ҳал... тугар - Результаты ... Жуиаев Корегду Жу...

1920 йилнинг 2 сентябрида содир бўлган тўнтаришдан кейин амир саройи мулкини мусодара қилинганида 700 дан ортиқ йирик каштачилик буюмлари бошқа қиммат баҳо совға ва хазина билан эшилонларга ортиб Россияга юборилганлиги тарихий ҳужжатларда кўрсатилган.

Босқинчилар назаридан қолган 20га яқин кашта буюмлари Бухоро Халқ Маорифи Коммисарлиги ихтиёрига берилган, улардан 10дан ортиғи 1922 йилда Бухоро музейи ташкил этилгач музей ихтиёрига берилган. Уларнинг аксарияти Шаҳрисабз каштачиларининг ироқи услубда тикилган туғ, сўзани, от ёпиғи-доури, жойнамоз ва намоёнлардир. Бундан ташқари амир саройи аёнлари учун махсус тикилган камарбандлар, пичоқ ғилофилари, Қурони Карим жилдлари, этик, махси-ковушлар ҳам тўлдирма ироқи чоки билан нафис гуллар ва нақшлар тушириб тикилганлигини кўрамиз.

Соҳибқирон Амир Темур саройида яшаган испал элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо ўз хотираларида ҳукмдор саройида кўрган гулдор кашталар ҳақида ёзиб қолдирган: "Боғда гулдор гиламлар ва ҳар хил рангдаги шоҳи газламалардан тикилган чодирлар тайёрланган капалер ва шийпонлар қурилган. Шийпоннинг ичида ҳам ташида ҳам жимжима гуллар тикилган ранг-баранг мато, хонтахта ёнига гул ва эман дарахтининг барги ва бошқа хил тасвири нақшлар тикилган шоҳи тўшак тўшалган".[162]

Юқорида келтирилган мисолдан Амир Темур саройига қарашли боғларда чодир, шийпонлар қуришда қўлланилган серҳашам безаклор матолар орасида Шаҳрисабзлик қўли гул чеварлар тикикан сўзани ва намоёнлар ҳам борлигини биламиз.

Манғитлар сулоласининг сўнги вакиллари ҳукмронлиги даврида, аниқроғи Амир Саййид Абдуллаҳадхон даврида Россия Императорига совға тариқасида Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмитажи сақланаётган ипак матодан тайёрланган ўндан ортиқ хоналари бир-бири билан туташиб кетган улкан чодирнинг ичкариси Шаҳрисабзда ипакдан тикилган ироқи услубдаги кашталар: намоён, зардевор, сўзанилар ва Бухоро зардўзлари тайёрлаган зардўзи намоёнлар билан безатилган ноёб ёдгорлик сақланган. Чодирда ишлатилган кашталарнинг кўпчили очилган гул тасвири ва катта-катта шаклли медальонлар уйғунлигида ишланган нақшлар ташкил этади.

Бундай кашталарнинг композияси каштадан кўра кўпроқ гиламни эслатади. Шундан бўлса керак 1913 йилда Петроградда бўлган иккинчи ҳунармандчилик кўргазмада намойиш қилинган Шаҳрисабз ироқи сўзанисини "Эрон матоси" деб нотўғри талқин этганлар.[163]

Каштачилик ҳунари фақат оила эҳтиёжлари учун даврасида ишлатилмаган, кашта маҳсулотлари махсус устахоналарда сарой ва юқори табақа вакилларининг эҳтиёжларини қондириш учун ҳам тайёрланган. Сарой устахоналарида фақат эркаклар ишлаган. Бундай устахоналар Бухоро, Қўқон ва Шаҳрисабзда ҳам бўлган. Ироқи услубда тоб берилган ипак иплар билан махсус қўлда тайёрланган ип газлама матога тикилган туғлар, от ёпинчиклари, дастурхон ва жойнамозлар асосан ҳукмдорларга ва сарой буюртмасига асосан рус подшоҳларига тортиқ қилиш учун совға тариқасида тикилган.

2017 йилдан бошлаб "Ўзбекистон маданий мероси Жаҳон тўпламларида" деб номланган лойиҳа асосида тайёрланган 60 томлик китоб-альбомда дунё мамлакатларида сақланаётган минглаб ноёб осори-атиқаларимиз орасида каштачилик буюмлари, жумладан Шаҳрисабз каштачилик мактаби намуналари ҳам бор.

Англиянинг Кемберж университетига қарашли Фицвилям музейи коллекциясида сақланаётган Ироқи услубида тикилган Шаҳрисабзга оид иккита катта ўлчамдаги сўзани ҳам бор. Улар шубҳасиз сарой устахоналарида тайёрланган. Ушбу сўзаниларда ишлатилган мато 5 бўлак ип газламани бир-бирига бирлаштириб кашта чоки "ирим-хоч" -ироқи услубида ишланган. Кашта остига ишлатилган оқ мато доим тозалик, барака ва Яратганга хуш келувчи ҳисобланган, бу билан оиладаги тўкинлик, хотиржамлик ва муносабатлар софлиги тасаввур қилинган.[164]

Шаҳрисабзнинг бебаҳо каштачилик намуналари Россиянинг Шарқ Давлат музейи коллекциясидан ҳам муносиб ўрин олган. Шаҳрисабзнинг йирик от ёпинчиклари музей коллекциясининг намунали қисмини ташкил этади. Шаҳрисабз XIX асрнинг иккинчи ярмида кенг тарқалган ироқи "зиниўш"-от ёпинчиги Давлат Эрмитажидан берилган. Афтидан, у Князь Михаил Александровичга совға қилиш учун буюрма қилиб тайёрланган.[165]

Россия Этнография музейи тўпламларида ҳам Шаҳрисабз, Китоб ва Қаршида тайёрланган юксак бадиий қийматга эга йирик кашта буюмлари ҳам йиғилган. Улар бошқа чоклар билан келишмайдиган

---

[162] З.Лихвико "Буюк Темурланнинг ҳаёти ва фаолияти". Император Фанлар академияси қошида "Рус тили ва халқ оғзаки ижодиёти" бўлимининг тўплами. XXVIII том. 257 бет.
[163] В.В.Стасов. Петроград. 1914.XVII таблица
[164] Марказий Осиё мероси Кемберж университети тўпламларида. 1-қисм. XXVIII-том. Тошкент.2020. 361-бет.
[165] Шарқ Давлат музейи тўплами. 2017.299бет.



аги_Ҳа... тугар - Результаты... Жуиаев Корегду Ж... Доку

ироки чор чўп (ярим хоч) услубида бажарилган. Бу чок бир-бири билан кешишувчи иккита тўғри чизик шаклидаги хоч ва тик ип ва кичик эгри кавикдан иборат ярим хоч кўринишига эга бўлади. Накшлар хам ипак ипларнинг ўзаро уйғунлиги натижасида юзага келади.

Бундай мураккаб, сермашаккат хунар махсулотлари асосан Шахрисабз ва Китобда амир саройи ва унинг якинлари буюртмасига асосан тикилган.

Шахрисабз кашталарининг хар бири каштачилик санъатининг яхлит бир асари, чеварларнинг бутун калби ва ижодий фантазиясидир.

Бой ва бетакрор мероста эга бўлган Қашқадарё вохаси хунармандчилигини кайта тиклаш, ўзига хос анъаналарини авайлаб-асраб келажак авлодларга колдириш, колаверса мустакиллигимиз шарофатидан яратилаётган хунармандларга Давлатимиз ва мухтарам Президентимиз Фармон ва Қарорлари кенг имкониятлар яратаётганлигидан илхомланиб хунармандчиликнинг кадимги ва гўзал турларидан бири бўлган каштачиликни, Шахрисабз мактаби анъаналарини бор бўйи-басти билан тиклаш вакти келди.

"Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 12 июнь ПФ-91 Ахолини хунармандчиликка жалб килиш ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун кулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида" карор ва фармонларини амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Қолаверса, Президентимиз ташаббуслари билан "Кони гил" Самарканд коғози ишлаб чикарувчи маркази, Марғилонда "Адрас" тайёрлаш хунармандлар маркази, Риштон анъанавий кулолчилик ва хунармандлар марказларининг ташкил этилиши ва улкан муваффакиятлари Шахрисабзда хам "Ипак каштачилик маркази" колаверса кластерини ташкил килиб, минглаб аёл-кизларимизда янги ишчи ўрин яратиб ва сохани янада ривожлантириш Янги Ўзбекистонимиз пойдеворини куришда амалий ва муносиб хиссамиз бўларди.

Кластер ипак курти ва унинг хом ашёсини барпо килиб, етиштирилган пиллани кайта ишлаб, кашта иплари ва матолар тайёрланиб, табиий бўёклар билан бўяб кашта буюмлари ишлаб чикариб, харидорларига етказиб бериш, хунармандларимиз фаолиятига кенг йўл очади. Қолаверса кадимги Шахрисабз каштачилик ва хунармандчилик маркази кошида амалий санъат музейини ташкил килиб, хунармандчиликни бой тарихини намойиш килиш хунармандчиликни кайта тиклашга каратилган яна бир кўриниши бўлар эди.

**Адабиётлар:**


1. Л.И.Ремпель" Далёкое и близкое" (Бухарские записи) Т.1981.
2. П.А.Гончафова "Бухорозардўзлик санъати". Т.,1986.
3. О.А.Сухарова Сюзани-среднеазиатская декоративная вышивка. М.2006.
4. Р.Гонсале де Клавихо. "Буюк Темурлангнинг хаёти ва фаолияти". Т.1987.
5. Т.Л.Чепелевецская. Ўзбекистон сўзаниси. Т.,1961.
6. С.П.Толстов "Қадимги Хоразм маданияти изидан" М-Л.,1948.
7. З.Облобердиева Бухоро каштачилик санъати. Бухоро.,2002.
8. М.Б.Сулаймонова. "Музей маданият ва маърифат маркази" Бухоро 2021.




ги_Ҳа... тугар - Результаты... Жуиаев Корегду Ж... Док